

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

3-йил чiqиши
29 АВГУСТ 1968 й.
ПАЙШАНБА
№ 202 (662).
БАХОСИ 2 ТИНИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ХАМБАФАСМИЗ

Биз ўқитувчилар ҳам барча совет ишлари қатори Чехословакия Социалистик Республикасида бўлаётган воқеалар билан танишиб бормоқдамиз. Совет давлати ва қардош социалистик давлатларнинг Чехословакиядаги аҳволини зудлик билан нормаллаштириш борасида олиб бораётган ишларидан мамнуниймиз.

ТИНЧЛИК ИШИГА БУЮК ҲИССА

Совет давлати ўзи барпо бўлган дастлабки кунлардан бошлаб Ленинча тинчлик сўбатига доимо амал қилди. Шу билан бирга, тинчлик, демократия, социализм душманларига ўз вақтида тегишли зарбалар берилди.

Саноат корхоналарида

ПОЙТАХТ САНОАТЧИЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Шаҳримиздаги алғор саноат корхоналарининг коллективлари В. И. Ленин тугилган кунининг 100 йиллиги шарафига ўзаро социалистик мусобақани ааж одириб меҳнат қилиб, саккиз ойлик давлат пиланини бугун муваффақият билан бажардилар.



Бир миллион йўловчи

Тошкент авиаторлари беш йилликнинг учинчи йилида ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистон пойтахтининг ҳаво йўлидан ҳар кун миңлаб йўловчилар учиб кетади. Уларча тонна юклар Ватанимизнинг турли бурчақларига жўнатилди.

ЯХШИ КЎРСАТКИЧЛАР

Тўқимачилик қўшма корхонасининг биринчи фабрикасидаги арқоқ йигирув цехида авчигина ишчи кучи етишмапти. Лекин цех коллективи шунга қарамадан ишлаб чиқаришда яхши кўрсаткичларга эришмоқда.

Чехословакиядаги аҳволга доир

Чехословакия Социалистик Республикаси президенти Л. Свобода бошчилигидаги Чехословакия делегацияси КПСС ва Совет ҳукумати раҳбарлари билан музокараларни тугатди. 27 августда Прагада қайтиб келди. Шу кун Чехословакия Социалистик Республикаси миалат мажлиси ва ҳукуматининг мажлиси бўлиб, бу мажлисда музокараларнинг натижалари гапириб берилди.

А. ДУБЧЕКНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ПРАГА, 27 август. (ТАСС). Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Дубчек бугун радио орқали гапириб, Москвадаги музокараларнинг натижаларини айтиб берди.

Музокаралар ҳам бизнинг бу ишончимизни мустаҳкамламоқда. Совет Иттифоқи ақиллари бугунги реал вазиятда муносабатларимизни нормаллаштириш учун кўп иш қилдилар.

СЕНТЯБРЬ НАФАСИ

Янги факультет
Халқ ҳўжалиги институтининг иқтисодий ишбилармонлик факультетининг очилиши катта ағиллик бўлди.



ЗАРБДОР ҚУРИЛИШДА

Ўзбекистон энергия халқасининг энг йирик ишоотларида бири — Чорвоқ ГЭСи қурилишида ишлар ажида. Йил сайин бу ишоот ўртача икки миллиард киловатт соат арзон электр қуввати беради.



